


XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Давлатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини ривожлантириш аввало халқларни бирлаштириш, иқтисодий ривожлантириш ва маданиятларни ўзаро бойитишнинг асосий воситаларидан бири эди. Қадим замонлардан транспорт йўналишлари давлат даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Вақт ўтиши билан транспорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, шунингдек йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўзда тутилган.

Транспорт соҳасига қарийб 13,0 мингта корхона ва ташкилот жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 9,0 фоизни ташкил қилди. 2018 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 1,5 мингтага етди. 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан бу кўрсаткич 140 тага кўпайди.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг таққосланиши (фермер ва деҳқон хўжалиқларидан ташқари)



2018 йил январь-сентябрь ойларида Қозоғистоннинг корхона ва ташилотлари томонидан транспортнинг барча турларида 2945,7 млн. тонна юк ташилган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 894,1 млн. тоннага тенг бўлган. Қирғизистонда транспортнинг барча турларида юк ташиш ҳажми 23,3 млн. тоннага тенг бўлган.

2018 йил январь-сентябрь ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 894,1 млн. тонна юклар ташилди, бу 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан 105,4 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 52,5 млрд. т/км ни ташкил этди ёки 2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан 5,6 % га юқори бўлди.

Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти (790,0 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур йўли транспорти орқали 53,3 млн. тонна, темир йўл транспорти орқали - 50,8 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида 10,9 минг тонна қайд қилинди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан %
Транспортда ташилган юклар, млн.т	894,1	105,4
темир йўл транспорти	50,8	100,6
автомобиль транспорти	790,0	105,3
ҳаво транспорти, минг.т	10,9	55,4
қувур транспорти	53,3	111,1
Транспорт юк айланмаси, млн. т/км	52 505,3	105,6
темир йўл транспорти	17 335,3	100,0
автомобиль транспорти	10 216,0	103,3
ҳаво транспорти	89,7	81,2
қувур транспорти	24 864,3	111,0


Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 88,3 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 11,7 % га тўғри келади.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби, % (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Умумий юк айланмаси ҳажмида 47,3 % улуш қувур транспортига, 33,0 % улуш темир йўл транспортига, 19,5 % улуш автомобиль транспортига ва 0,2 % улуш ҳаво йўли транспортига тўғри келади.


Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби, % (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Юк айланмаси,	100 %
қувур йўли транспорти	47,3 %
темир йўл транспорти	33,0 %
автомобиль транспорти	19,5 %
ҳаво йўли транспорти	0,2 %

2018 йил январь-сентябрь ойларида умумий юк айланмаси ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,6 % га ўсди.

Юк айланмаси ўсиш суръатининг таққосланиши, %




Қувур йўли транспорти юк айланмаси ўсиши 11,0 % ни ташкил этди, 2017 йил январь-сентябрь ойларидаги 4,8 фоиз ўсишга қараганда 6,2 ф.п. га ошди, шунингдек, автомобиль транспорти - 2,9 % ўрнига 3,3 % (0,4 ф.п. га ошди).

Ўтган йилга нисбатан темир йўл транспортининг ўсиш даражаси сақланиб, юк айланмасининг ўсиш суръати 100,0 % ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали юк айланмасининг пасайиши кузатилмоқда. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43 ф.п. га камайди.

2018 йил январь-сентябрь ойларида темир йўл транспортида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 281,1 минг тонна юк кўп ташилган. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш кўрсаткичи эса 1279,1 минг кишига кўпайган.

Темир йўл транспорти асосий кўрсаткичларининг таққосланиши



Магистрал темир йўл транспорти орқали юкларни жўнатиш 0,6 % га ошиб, 50,8 млн. тоннани ташкил этди.

**Магистрал темир йўл транспортида ортилган
асосий турдаги юклар кўрсаткичи**
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	<i>Ҳажми, минг. тонна</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, %</i>	<i>2017 йил январь- сентябрга нисбатан %</i>
Юклар – жами	50 798,0	100	100,6
<i>шундан:</i>			
кўмир	3 943,8	7,8	118,3
нефть юклари	4 930,0	9,7	60,4
турли рудалар	3 943,3	7,8	105,1
кора металллар	763,5	1,5	123,5
кора металл парчалари	678,0	1,3	112,9
кимёвий ва минерал ўғитлар	2 599,4	5,1	85,0
қурилиш юклари	4 339,3	8,5	87,7
цемент	3 682,1	7,3	99,1
ёғоч юклари	15,8	0,03	104,2
пахта толаси	104,4	0,2	48,7
дон ва ёрмалар	1 457,3	2,9	118,8
бошқа юклар	24 341,1	47,9	116,6

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 186,1 минг тоннани ташкил этди ёки 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 0,6 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 341,3 км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 0,5 % га паст бўлди.

**Магистрал темир йўл транспортида ташилган
асосий турдаги юклар ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**




Магистрал темир йўл транспортида юк ташиш бўйича энг юқори ўсиш суръатлари қора металллар – 123,5 %, дон ва ёрмалар – 118,8 %, кўмир – 118,3 %, бошқа юклар – 116,6 %, қора металл парчалари – 112,9 %, турли рудалар – 105,1 % каби юкларда қайд этилди.

Энг паст ўсиш суръатлари пахта толаси – 48,7 %, нефть юклари – 60,4 %, кимёвий ва минерал ўғитлар – 85,0 %, қурилиш юклари – 87,7 %, цемент – 99,1 % ва ёғоч юклари – 104,2 % каби ташилган юкларда қайд этилди.


Шунингдек автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим рол ўйнайди. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 3,3 % га ошиб, 10,2 млрд. т/км ни ташкил этди.

Автомобиль транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши



Автомобиль транспорти орқали 790,0 млн. тонна юк ташилди, бу 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 5,3 % га кўп демакдир.

Автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмининг таққосланиши, млн.т



Юкларни ҳаво транспорти орқали жўнатиш 10,9 минг тоннани ташкил этиб, 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 44,6 % га паст бўлди. Юк айланмаси 18,8 % га камайиб, 89,7 млн. т/кмни ташкил этди.


Ҳаво транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши



Магистрал қувурлар орқали 53,3 млн. тонна газ қуйилган, бу 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 11,1 % га кўп демакдир. 2018 йил январь-сентябрь ойларида 42,1 минг тонна нефть қуйилган (5,6 % га кам). Магистрал қувурларнинг юк айланмаси 11,0 % га ошди ва 24,9 млрд. т/км ни ташкил этди.

Қувур йўли транспортида юк ташиш таркиби

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



2018 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонда транспортнинг барча турларида 4384,6 млн. йўловчи ташилган. Мазкур даврда Қозоғистонда транспортнинг барча турларида 16966,4 млн. йўловчи ташилган. Қирғизистонда бу кўрсаткич 537,7 млн. йўловчига тенг бўлди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси


	2018 йил январь- сентябрь	Жами ҳажмга нисбатан улуши, %	2017 йил январь- сентябрга нисбатан %
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	4384,6	100,0	102,6
темир йўл транспорти	17,1	0,4	108,1
автомобиль транспорти	4312,4	98,4	102,4
ҳаво транспорти	1,9	0,04	115,8
шаҳар электр транспорти	53,2	1,2	115,4
<i>шундан:</i>			
метрополитен	49,7	1,1	112,3
трамвай	3,1	0,1	2.2 м.
троллейбус	0,4	0,01	91,8
Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи/км	101 442,6	100,0	103,3
темир йўл транспорти	3 306,7	3,3	100,5
автомобиль транспорти	91 264,9	90,0	102,7
ҳаво транспорти	6478,6	6,4	114,3
шаҳар электр транспорти	392,4	0,3	114,2
<i>шундан:</i>			
метрополитен	362,6	0,3	112,3
трамвай	18,8	0,02	2.2 м.
троллейбус	11,0	0,01	91,6

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби

2017 й.
январь-сентябрь




2018 й.
январь-сентябрь



Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти етакчилик қилмоқда. Унинг жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши – 98,4 % ни ташкил этади.


Худудлар бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташиш таркиби, %

(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 2,6 % га ошиб, 4384,6 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 101,4 млрд. йўловчи/км га етиб, 3,3 % га ошди.

Йўловчи айланмасининг ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Йўловчи айланмаси бўйича юқори ўсиш суръатлари ҳаво йўли транспортида – 114,3 % ва электр транспортида - 114,2 % кузатилди. Темир йўл транспортида бу кўрсаткич 100,5 % ни, автомобиль транспортида эса - 102,7 % ни ташкил этди.

Темир йўл транспортида йўловчи ташиш 8,1 % га ўсди ва 17,1 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 3306,7 млн. йўловчи/км ни ташкил этди.


Ҳаво транспортида 1924,2 минг киши ташилди, бу 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 15,8 % га кўпдир. Йўловчи айланмаси эса 14,3 % га ошиб, 6478,6 млн. йўловчи/км ни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2017 йил январь-сентябрь ойларидаги 84,0 % ўрнига 86,9 % ни ташкил этди, 2034 авиапарвоз кечиктирилган, 1 та авиапарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 4,5 ф.п. кўпайиб, 86,2 % ни ташкил этди (2017 йил январь-сентябрь ойларида – 81,7 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 1568 самолёт-соатни ташкил этиб, 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 35,8 % га камайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 18,1 % га қисқариб, 46 минутни ташкил этди.

Электр транспортида 53275,4 минг йўловчи ташилиб, 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 115,4 % ни ташкил этган. Электр транспортининг йўловчи айланмаси 392,4 млн. йўловчи/км ни ташкил этган бўлиб, бу 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 14,2 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш таркиби, %



Электр транспортида йўловчи ташиш (93,4 %) ва йўловчи айланмасида (92,4 %) энг юқори улуш метрополитен хиссасига тўғри келади.


Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 12,3 % га ошган.

Трамвайда 3132,5 минг йўловчи ташилган, бу 2017 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 2,2 марта кўпдир. Трамвайнинг йўловчи айланмаси 18,8 млн. йўловчи/км ни ташкил этди.

Сўнги 20 йил мобайнида автомобиль транспортида энг кўп йўл-транспорт ҳодисалари 1999 йилда (11012 ҳолат) қайд этилган. Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич 2006 йилда қайд этилган. Ушбу даврда автомобиль транспортидаги йўл-транспорт ҳодисаларида 14009 киши жабр кўрган.

2018 йил январь-сентябрь ойларида йўл-транспорт ҳодисалари сони 6236 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 673 тага камайган (-9,7 %).

**Худудлар кесимида йўл-транспорт ҳодисалари
сонининг таққосланиши, бирлик**




Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан худудлар ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари сони бўйича камайиш Тошкент шаҳрида (-232 ҳолат), Тошкент (-273 ҳолат), Самарқанд (-50 ҳолат) ва Сирдарё (-45 ҳолат) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (-30 ҳолат) қайд этилди.

Йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайиши Навоий (+18 ҳолат) ва Жиззах (+12 ҳолат) вилоятларида қайд этилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сони ҳам камаймоқда. 2018 йил январь-сентябрь ойларида жабр кўрганлар сони 5864 кишини ташкил этиб, 813 кишига (-12,2 %) камайиши кузатилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг таққосланиши, киши



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳри (-287 киши), Тошкент (-248 киши), Сирдарё (-71 киши), Самарқанд (-62 киши) ва Қашқадарё (-45 киши) вилоятларига тўғри келади.


Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг ошиши Навоий вилоятида (+17 киши) қайд этилди.

Алоқа ва коммуникация соҳаси

2018 йил январь-сентябрь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 6433,5 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилга нисбатан (амалдаги нархларда) 23,5 % га ошди.

Мобиль алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 66,1 % ни ташкил этди ва 4255,6 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 3876,8 млрд. сўмга тенг бўлди.

Алоқа хизматлари таркиби, %
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



2017 йил январь-сентябрь ойларида нисбатан мобиль алоқа хизматлари 13,9 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 16,9 % га ўсди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 21724,9 минг абонентни, шу жумладан аҳолида 21138,9 минг абонентни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 64 бирликни ташкил этди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 571 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 373 бирликни ташкил этди.

Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 150,0 Гбит/с ни ташкил этди.